

ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

O'ZBEKISTONDA ILMIY TADQIQOTLAR:

DAVRIY ANJUMANLAR

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022

TOMAS ALVA EDISON
(1847-1931)

2022

MART

№38



CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir
Temur ko'chasi, pr.1, 2-uy.

+998 97 420 88 81

+998 94 404 00 00

www.tadqiqot.uz

www.conferences.uz



**ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ
АНЖУМАНЛАР:
22-ҚИСМ**

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ
КОНФЕРЕНЦИЙ:
ЧАСТЬ-22**

**NATIONAL RESEARCHES OF
UZBEKISTAN: CONFERENCES
SERIES:
PART-22**

ТОШКЕНТ-2022



УУК 001 (062)
КБК 72я43

“Ўзбекистонда миллий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]

“Ўзбекистонда миллий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” мавзусидаги республика 38-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 март 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 12 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шоҳида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Ҳамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпلامга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

БИОЛОГИЯ ВА ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ИННОВАЦИЯЛАР

1. Х.Т. Холматов, Ф.З.Халимов	
САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ТЎҚАЙЗОРЛАРИ ҚАТТИҚҚАНОТЛИ	
ҲАШАРОТЛАРИНИНГ ТАКСОНОМИК ТАРКИБИ.....	7
2. Ўринбоева Мўътабар Якубовна	
ТАБИАТ ФОНДИ КОЛЛЕКЦИЯЛАРИ ТАРИХИ ВА ҲОЗИРДА САҚЛАНИШИ	10



БИОЛОГИЯ ВА ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ИННОВАЦИЯЛАР

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ТЎҚАЙЗОРЛАРИ ҚАТТИҚҚАНОТЛИ ҲАШАРОТЛАРИНИНГ ТАКСОНОМИК ТАРКИБИ

Х.Т. Холматов, Ф.З.Халимов
Самарқанд ўлкашунослик музейи,
Самарқанд давлат университети

Аннотация. Мақолада Зарафшон дарёси ўрта оқими тўқайзорларида тарқалган қаттиққанотли ҳашаротларининг таксономик таркиби таҳлил қилинган. Тадқиқотларда қўнғизлар туркумининг 16 оилага мансуб 182 та тури аниқланган. Турларининг хилма-хиллиги бўйича Chrysomelidae (42 тур), Carabidae (38 тур) ва Scarabaeidae (28 тур) оилалари олдинги ўринда туради. Тадқиқотларда Cleridae оиласининг фақат битта тури аниқланди.

Калит сўзлар: биоценоз, фауна, сапрофаглар, қаттиққанотлилар, баргхўр қўнғизлар, фитофаглар, зоофаглар, ўлимтиххўрлар, паразитлар.

Қаттиққанотлилар ёки қўнғизлар ҳар қандай биоценозларнинг энг кўп сонли таркибий қисмларидан бири бўлиб, биоценозлардаги озик занжирида муҳим ўрин тутди. Трофик алоқалари бўйича қўнғизлар тирик организмлар орасида энг хилма-хил ва мураккаб организмлардир. Улар орасида фитофаглар, зоофаглар, ўлимтиххўрлар, сапрофаглар, паразитлар ва бошқа экологик гуруҳлари талайгина. Зарафшон кўриқхонаси ҳудудида турли туман биоценозлар мавжуд бўлиб, улар экологик шароити жиҳатидан бир-биридан сезиларли фарқ қилади. Бу ҳолат бу ҳудуддаги қўнғизлар фаунасининг ҳам жуда турли-туман бўлишига сабаб бўлади.

Зарафшон водийси қаттиққанотлилари ҳақидаги дастлабки маълумотлар А.П.Федченко (1871-1873) ва Lucas von Heyden ишларида келтирилган (Heyden, 1881, Heyden, Kraatz, 1885, Федченко, 2014).

Р.А.Олимжонов ва С.Г.Бронштейннинг 1956 йилда чоп қилинган «Зарафшон воҳасининг умуртқасиз ҳайвонлари» номли китобида (систематик рўйхатида) қаттиққанотлилар туркумининг 36 та оиласига мансуб 1035 тури ҳақида маълумотлар келтирилади (Олимжонов, Бронштейн, 1956). Шу даврларда Зарафшон воҳасининг баргхўр қўнғизлари Ц.Г.Бронштейн томонидан ўрганилган (Бронштейн 1961).

Сўнгги йилларда Зарафшон воҳаси қаттиққанотли ҳашаротларининг алоҳида оилаларини ўрганиш бўйича бир қанча тадқиқотлар олиб борилмоқда (Khalimov F. 2020, Халимов ва бош., 2020, Хамзаев ва бош., 2021).

Тадқиқотлар 2017-2021 йилларда олиб борилди. Тадқиқотларда қўнғизларни теришда қўл билан териш билан бирга тупроқда яшовчи қўнғизлар учун банка-туткичлардан фойдаланилди. Тадқиқотлар давомида қўнғизларнинг 2000 дан ортиқроқ нусхадаги намуналари терилди ва систематик таҳлил қилинди.

Натижаларни таҳлил қилиш асосида Зарафшон дарёси атрофи тўқайзорлари биоценозларида қўнғизлар туркумининг 16 оилага мансуб 182 та тури аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

Зарафшон дарёси тўқайзорларида тарқалган қаттиққанотлилар оилаларининг рўйхати ва турлари сони (2019-2020 йил)

Т/р	Оила	Турлар сони
1	Chrysomelidae – Баргхўрлар	42
2	Carabidae-Тошқоллар (Визилдоқ қўнғизлар)	38
3	Scarabaeidae-Пластикамўйловлилар	28
4	Cerambycidae – Мўйловдорлар	10
5	Curculionidae-Филчалар (узунбурунлилар)	10




6	Tenebrionidae – Қоратанлилар	8
7	Elateridae – Чертмакчилар	8
8	Meloidae – Малҳамчилар	7
9	Coccinellidae – Тугмачакўнғизлар	6
10	Buprestidae – Тилла кўнғизлар	6
11	Staphylinidae-Калтаустканотлилар	5
12	Dermestidae – Терихўрлар	3
13	Silphidae – Ўлимтихўрлар	2
14	Dytiscidae -Сувсузарлар	2
15	Gyrinidae-Айланғич кўнғизлар	2
16	Hydrophilidae- Сувсеварлар	2
17	Iridae- Пўстлокхўрлар	2
18	Cleridae – Олакўнғизлар	1
	Жами турлар сони	182

Жадвалдан кўриниб турибдики, оилалар орасида турларининг кўплиги жиҳатидан баргхўр кўнғизлар оиласи (Chrysomelidae) биринчи ўринда туради. Ушбу оиланинг тадқиқот олиб борилган ҳудудда 42 тури аниқланди. Ушбу оила вакиллари кўрикхона ҳудида тарқалган барча кўнғизлар турларининг 23,08 % ини ташкил этади. Турларининг кўплиги жиҳатидан иккинчи ўринда визилдоқ кўнғизлар (Carabidae) оиласи туради. Визилдоқ кўнғизларнинг Зарафшон кўрикхонасида 38 та тури тарқалган бўлиб, бу оила вакиллари барча кўнғизларнинг 20,88%ини ташкил этади. Кейинги ўринда пластинкамўйловлилар (Scarabaeidae) оиласи туради ва бу оиланинг 28 тури ушбу ҳудудда тарқалганлини аниқланди ва улар барча кўнғизларнинг 15,38% ини ташкил этади. Умуман, юқорида айтилган учта оила вакиллари тўқайзорларда тарқалган қаттиққанотли ҳашаротлар турларининг 61,34 % ини ташкил этади.

Тўқайзорларда мўйловдор кўнғизлар (Cerambycidae) ва филча ёки узунбурун кўнғизлар (Curculionidae) оилаларининг 10 тадан тури тарқалган. Такидлаш жоизки, ушбу ҳудудда узунбурунли кўнғизларнинг ҳақиқий хилма-хиллиги анча юқори бўлиши мумкин. Ушбу оилалар вакиллари биргаликда барча кўнғизларнинг 11% ини ташкил этади. Қоратанли кўнғизлар (Tenebrionidae) ва Чертмакчилар (Elateridae) оилаларининг 8 тадан тури аниқланди ва улар биргаликда барча кўнғизларнинг 8,8% ини ташкил этди.

Тадқиқотларда Олакўнғизлар (Cleridae) оиласининг фақатгина битта тури аниқланди. Пустлокхўрлар (Iridae), Сувсеварлар (Hydrophilidae), Сувсузарлар (Dytiscidae), Айланғич кўнғизлар (Gyrinidae) ва Ўлимтихўрлар (Silphidae) оилаларининг 2 тадан тури тўқайзорларда учрайди.

Умуман, аниқланган 19 та оиланинг кўнғизлар фаунасида тутган ўрни куйидаги расмда тасвирланган.



1- расм. Зарафшон дарёси тўқайзорлари кўнғизлари фаунасида турли оилаларнинг ҳиссаси (2019-2021 йй.)



Шундай қилиб, Зарафшон дарёсининг Самарқанд вилояти чегарасидаги тўқайзорларида қўнғизлар туркумининг 16 оилага мансуб 182 та тури тарқалган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алимджанов Р.А., Бронштейн Ц.Г. Беспозвоночные животные Заравшанской долины. Систематический перечень видов с указанием полезных и вредных форм. АН УзССР, Ташкент-Самарканд, 1956, с 95-100.
2. Бронштейн Ц.Г. 1961. Материалы по фауне и биологии жуков-листоедов (Chrysomelidae) Зеравшанской долины. Труды СамГУ. Нов.сер., вып. 109, Самарканд.
3. Федченко А.П. Путешествие в Туркестан: Члена-основателя общества А.П.Федченко, совершенное от императорского Общества любителей естествознания по поручению Туркестанского генерал-губернатора К.П. Фон-Кауфмана / А.П. Федченко – М.: Книга по Требованию, 2014. – 188 с. ISBN 978-5-517-83560-4
4. Халимов Ф.З., Сайфиддинов Х.З., Маманов С.С. Зирабулоқ тоғлари карабидофаунаси (Coleoptera: Carabidae) нинг эколого-фаунистик таҳлили. НамДУ илмий ахборотномаси - Научный вестник НамГУ, 2020 йил 9-сон, 111-117 б.
5. Хамзаев Р.А., Мурадуллаев Ҳ.В. Халимов Ф.З. Ургут тумани қоратанли қўнғизлари (Coleoptera, Tenebrionidae) фаунаси. Химия, Физика, Биология, Математика: Теоретические и прикладные исследования. Сборник статей по материалам XLVI международной научно-практической конференции. № 3 (35). Март 2021 г. Москва. Изд. «Интернаука», с. 88-92.
6. Heyden L.V. Catalog der Coleopteren von Sibirien (mit Einsehluss derjenigen der Turanischen Lander, Turkestans und der ehinesischen Grenzgebiete). Berlin 1880-1881. 224 p.
7. Heyden L.V., Kraatz G. Beiträge zur turkestanischen Coleopteren -Fauna. Deutsche Entomologische Zeitschrift XXIX. 1885. Heft II. 273—298.
- Khalimov F. 2020. Te ground beetles (Coleoptera, Carabidae) of the Karatepa and Chakilkalyan mountains (west part of Zarafshan Mountains Range, Uzbekistan). Biosystems Diversity 28: 265–271. <https://doi.org/10.15421/012035>



ТАБИАТ ФОНДИ КОЛЛЕКЦИЯЛАРИ ТАРИХИ ВА ҲОЗИРДА САҚЛАНИШИ

Ўринбоева Мўътабар Якубовна
Самарқанд вилоят Ўлкашунослик
музейи табиат бўлими мудири

Аннотация. Ушбу мақолада Самарқанд вилоят ўлкашунослик музейининг ташкил топиши, музейнинг табиат бўлими фаолияти, орнитология соҳасига оид ашёлар ва коллекциялар ҳақида фикр юритилади. Орнитолог олимлар томонидан тўпланган ноёб куш тулумлари, тухумлари ҳақида батафсил маълумот берилади. Бундан ташқари табиат бўлими экспозиция залларидаги кушлар тўғрисида ҳам маълумотлар ҳам баён қилинади. Ҳозирги кунда музей захирахонасида сақланаётган ашёлар ҳамда музейга ташриф буюрувчилар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: куш тулуми, орнитологик коллекция, адир, тўқай, тоғ, чўл, сув-ботқоқ экосистемаси, воҳа кушлари.

Самарқанд шаҳри марказида Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси тасарруфида вилоят ўлкашунослик музейи жойлашган бўлиб, бу музейга ташриф буюрувчилар ўлка тарихи, маданияти, санъати, табиати ҳақида кўпгина маълумотларга эга бўладилар. Ушбу мақолада Самарқанд вилоят ўлкашунослик музейининг ташкил топиши, музей табиат бўлими фаолияти, хусусан, орнитология соҳасига оид ашёлари ва коллекциялари ҳақида маълумот бермоқчимиз.

Табиат бўлими фондида бир қатор коллекциялар мавжуд бўлиб, орнитологик коллекция ушбу музей Табиат бўлимининг зоологик тўпламининг ажралмас қисмидир. Тўпламнинг асосий қисми Самарқанд вилоят ўлкашунослик музейига ўтган асрнинг 30-йиллари ва 70-йиллари ўрталарида – дастлаб музей раҳбари, сўнгра музей илмий ходими лавозимида ишлаган таниқли Ўзбекистонлик орнитолог Александр Николаевич Богдановнинг тўпламларидан иборат. Тажрибали таксидермист А.Н.Богданов, музей коллекцияси учун жуда кўп кушлар тулумлари ва ҳайвонларнинг тулумлари билан тўлдирилган. Музей илмий ходими П.Ф.Рыпл ҳам тўпламларни тўлдиришда ўзининг катта ҳиссасини қўшган. Бошқа музей ходимларидан В.Е.Захаров (1934-1941), В.И.Катовский (1937-1938), (1933-1938 йилларда ака-ука С.К.Даль ва К.К.Дальлар ҳам кушлар коллекциясини тўлдиришда иштирок этишган.

Ҳозирги кунда Самарқанд вилоят ўлкашунослик музейи Табиат бўлимининг орнитологик тўпламларида 858 та ашё мавжуд. Музей фаолияти давомида бир қанча куш тулумлари вилоятимизнинг Каттакўрғон, Иштихон тумани тарих музейларига намоиш учун берилган. Шу билан бирга 200 дан ортиқ кушлар тулумлари яроқсиз ҳолга келиб, рўйхатдан чиқарилган. Аммо ушбу намуналар тўғрисидаги маълумотлар музей инвентар журналларида сақланиб қолган ва инвентаризация жараёнларида маълумотлар базасига киритилган. Шундай қилиб, орнитологик тўпламнинг электрон маълумотлар базасида 1163 намунага оид маълумотлар мавжуд.

Ҳаммаси бўлиб, Самарқанд вилоят ўлкашунослик музейининг орнитологик тўплами маълумотлар базасида 18 та туркум коллекциянинг 259 тури Ўзбекистон орнитофаунасини 57,8% ни ташкил этади.

Тўпланган барча турлар қуйидагилар:

Лайлаксимонлар -83,3%, Лочинсимонлар – 68,3%, Товуксимонлар-71,4%, Турнасимонлар – 78,6%, Каптарсимонлар -91,7%, Бойўғлисимонлар -87,5%, Чумчуксимонлар – 56,7%, Ғозсимонлар – 52,6%, Ўрдаксимонлар -40,0%, Лойхўраксимонлар – 37,5% ни ташкил этган(Богданов, 1956. С. 107.)

1923-1927 йилларда сўнгра 1938-1941 йилларда А.Н.Богданов фаолиятини Самарқанд атрофида, 1947-йилда Нурато тизмаси ўртасида ўтказган. 1948-1949 йилларда у Панжикент шаҳри – Мидон қишлоғи, Вишист қишлоғи, Панжикент шаҳри-Кштут дарёси яқинидаги Кош-хон қишлоғи – Панжикент шаҳри бўйлаб изланишларини давом эттиради(Даль.1936. С.96.). А.Н.Богданов 1928-1932 йиллар ва 1934-1939-йиллар давомида бир қанча ашёлар тўплайди ва 1932-йил апрелдан 1934-йилнинг августигача Самарқанд Давлат музейининг топшириғига биноан Искандар-Кўл худудида ўз тадқиқотларини олиб борган. Шу сабабли,



тўпламнинг 56,5 % Зарафшон дарёсининг ўрта ва қуйи оқимидан тўпланган жуда кўп ва хилма-хил намуналар мавжуд. 31,7 % Помир Олойдан, 3,1% Қизилқум чўлидан тўпланган намуналар. Барча намуналарнинг 7,3% аниқ географик маълумотга эга эмас. Тўпламнинг асосий қисми А.Н.Богданов ва П.Ф.Рыпл томонидан 1931-1940 йилларда тўпланган(Соколов. 1990. С.250). Кўрсатилган йиллар ичида коллекцияга 841 та қушлар қабул қилинди, бу барча тўпламнинг 72,3% ни ташкил этди. Орнитологик коллекцияларнинг ярмидан кўпи ҳозирда Вилоят ўлкашунослик музейи табиат бўлими экспозиция залларига жойлаштирилган бўлиб, қолганлари Табиат бўлими фондида махсус шкафларда, тортмали ёғочли шкафларда эса қушлар танаси(тушка) шаклида сақланиб келинмоқда.

Экспозиция залларидаги қуш тулумлари экспозиция залларида экотизимларга ажратилган ҳолда жойлаштирилган. Тоғ, тўқай, адир, чўл экосистемаларида ойнали витриналарда намойишга қўйилган.

Тоғ ҳайвонлари экспозициясида кал жўрчи, пунг қуш, сариқ чумчуқ, қора қарға, каклик, бўзбош сава, қораялоқ, тоғ зағчаси, қирғийлар оиласига мансуб қумой, оқбош қумой, итолғи, чўл бургути, болтаютар, лочин, бургут, таскара ва бошқаларни кўришимиз мумкин.

Тўқай экосистемасида –ҳаққуш, кулоқдор япалоқ қуш, Зарафшон қирғовули, кўктарғоқ, якантовуқ, қашқалдоқ, Жануб булбули ўрин эгаллаган.

Адир зонаси кичик турна, бедана, сассиқ попишак, дала сўфитўрғайи, бизғалдоқ, куркунак, дала бўқтарғиси каби қушларни ўз ичига олади.

Чўл экосистемасида – йўрғатувалоқ, йилқичи қуш, сув булдуруқ, сўфитўғай, миққий ва хўжасавдогар номойиш этилган.

Сув-ботқоқ экосистемаси - яъни бу кўрғазмада асосан сув муҳитида яшовчи қушлар акс этган бўлиб, ўрдақлар, ғозлар, оққуш ва сув лайлақларини кўришимиз мумкин.

Воҳа қушлари - бизга ўлкамиз ҳудудида учровчи қушларни кўриш имкониятини беради. Ўлкамиз ажойиб қушлар макони ҳисобланиб, кулранг қарға, кўк каптар, сассиқпопишак, олақарға, майна, қораялоқ, зарғалдоқ, булдуруқ, ёввойи каптар, лочин, қизилбош чумчуқ, хосиятли қуш ҳисобланадиган қалдирғоч, мусича, уй чумчуғи ва бошқа кўпгина қушларни кўришимиз мумкин.

Барча қушларнинг номлари уч тилда(ўзбек, рус, инглиз) ёзилган бўлиб, уларнинг ҳар бирида батафсил ёрлиқлар мавжуд.

Экспозиция залларида бетакрор барча томошабинларни ўзига бирдек жалб қилувчи тухумлар коллекцияси мавжуд бўлиб, қушларнинг тухумлари туркум ва оилаларга ажратилган ҳолда ойнали витринада намойиш этилганлигини кўришимиз мумкин. Улар сони 765 тадан ортиқроқ бўлиб, 4 та жавонда қуйидаги туркум ва оилаларга ажратилган:

1-жавон: Ғозсимонлар туркуми, Ўрдақлар оиласи(Отряд Гусеобразные, сем.Утиные) 54 дона. Ржанкасимон туркуми, Ржанкалар оиласи(отряд Ржанкообразные, сем Ржанковые) 32 дона. Товуқсимонлар туркуми(отряд Куробразные) 18 дона.

2-жавон: Япалоққушлар туркуми(отряд СOVOобразные) 30 дона. Қизилиштонлар туркуми(отряд Дятлообразные) 57 дона. Чумчуқсимонлар туркуми, Қарғалар оиласи(отряд Воробыинообразные, сем. Варановые) 29 дона. Турнасимонлар туркуми(отряд Журавлообразные) 20 дона.



3-жавон: Чумчуқсимонлар туркуми(отряд Ворообразные) 315 дона.


4-жавон: Йиртқич қушлар туркуми(отряд Соколообразные) 40 дона. Ржанкасимонлар туркуми, Чайкалар оиласи(отряд Ржанкообразные, сем Чайковые) 50 дона. Узуноёқлилар



туркуми(отряд Аистобразные) 24 дона.

Орнитологик тўпламда бўлгани каби музейдаги зоологик коллекцияларнинг бир қисми бўлган треологик коллекциялар ҳам сақланиб келинмоқда. Бу тўпламлар ҳам А.Н.Богданов томонидан (1927, 1938-1941 йилларда, 1948, 1954, 1963-йилларда), Самарқанд яқинида (Зарафшон ва Қорадарё тўқайзорлари, Сиёб ва Дарғом каналлари атрофи, Хўжа Ахрор, Чака, Миронқўл, Сазагон), Каттакўрғон атрофларини ўрганиш натижаси тўпланган. П.Ф.Рыпл томонидан (1927-1938 йилларда) Қарнабчўл даштлари, Қоракўл кўли, Искандар кўл атрофлари, Зарафшон тизмаси, Широбод яқинида олиб борган изланишлари натижасида тўпланган. Зарафшон дарёсининг ўрта ва куйи оқимидаги термнологик тўпламлар жуда кўп ва хилма-хил бўлиб, барча намуналарнинг 41 % ни, ташкил этади. Улар 6 туркумга оид 26 турдан иборат. Помир Олой эса барча намуналарнинг 30,1% ни ташкил этиб, 5 та туркумга оид 22 тур билан ифодаланган. Қолганлари Амударё, Қизилкум, Қашқадарё, Пистакент текислиги, Ғарбий Тянь Шан ва Фарғона водийси ҳудудларидан фақат биттадан намуналар мавжуд, 21,9% намуналар аниқ географик маълумотга эга эмас(Урманова, 1982. С. 45.).

Шу билан бирга 1600 тага яқин қуш тухумлари коллекцияси ҳам мавжуд. Ҳайвонларнинг терилари, шохлари ва бош суяклари табиат бўлими фондида махсус жавонларда сақланиб келинмоқда.



Самарқанд вилоят ўлкашунослик музейи табиат фонди

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз керакки, ўлкамиз ҳудудидан олимлар томонидан тўпланган ҳайвонлар ва қушлар тулумлари ва қушларнинг тухумлари, уялари экспозициядан жой олган бўлиб, бу экспонатлардан ҳайвонот оламининг ўтмиши ва ҳозирги ҳаёти, яшаш тарзи, кўпайиши, уларнинг қишлоқ учун учиб кетиш йўналишлари ҳақида маълумотларни билиб олиш мумкин. Бу каби илмий маълумотлар музейга ташриф буюрувчилар қатори ўсиб келаётган келажак авлод ва ёшлар учун муҳим тарбиявий аҳамиятга эга. Бундай табиат экспозициялари ўқувчилар ва талабалар учун қизиқарли машғулот жойи, билим ўчоғи, томошабинлар учун эса маданий дам олиш маскани ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Богданов А.Н. Птицы бассейна реки Зеравшан // Тр. Ин-та зоология и паразитологии АН Узб ССР. Т.5. Ташкент, 1956. С.103-163.
2. Даль С.К. К изучению фауны позвоночных Зарафшанского и Туркестанского хребтов// Труды УзГУ, т. 7, Самарканд, 1936. С.85-133.
3. Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси. Самарқанднинг тарихий обидалари ва музейлари. Самарқанд. 2010, -41 б.
4. Урманова Т.Г. Каталог орнитологической коллекции музея. Тошкент, 1982. 48 с.

ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 22-ҚИСМ

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович

Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович

Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.03.2022

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000